



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 26 июнь, № 123 (6053)

Пайшанба

БИЛИМ, ТАЖРИБА, ЭЗГУЛИК

тиббиёт муассасалари ҳамшираларининг фаолият мезонидир



Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш, тиббиётнинг барча йўналишида замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиш, бирламчи тиббий-профилактика хизматини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

ТАНЛОВ

Эътироф этиш лозимки, соҳани ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва уни ривожлантиришга қартилган давлат дастурлари ҳамда лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда малакали шифокорлар билан бирга, ҳамширалар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Чунончи, ҳозирги пайтда республикамиз бўйича 310 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари фаолият юритапти. Уларнинг кўпчилиги оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларида бевосита тиббий-профилактика ишлари билан банд бўлиб, патронаж ҳамшираси сифатида тиббий хизматни бевосита хонадонларга олиб қираётганлиги қувонарлидир.

Эътиборлиси, мустақиллик йилларида соҳанинг ушбу бўғинини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш борасида ибратли қадамлар қўйилди. Хусусан, 1999 йилдан бошлаб Тошкент тиббиёт академияси ва олий тиббий таълим муассасаларида “Олий ҳамширалик иши” бўлимлари очилганлиги бунга ёрқин мисолдир.

(Давоми 2-бетда).



Маматқарим АбДУМЎМИНОВ олган сурат.

АНЖУМАН

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади. Қонун ижодкорлиги доимий ҳаракатдаги жараён бўлиб, бугунги шиддатли давр уни мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Қонун ижодкорлиги ва амалиёт

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган анжуманда ана шулар хусусида сўз юритилди.

Қайд этилганидек, вазирлик юртимизда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириб келмоқда. Хусусан, 2013 йилда 56, 2014 йилнинг биринчи чорагида 28 норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, 2013 йил давомида 1081, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 268 норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Бугунги кунда улар барча жабҳалардаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга кўмаклашмоқда. Албатта, бунда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонун лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозиргача Концепцияда назарда тутилган қонун лойиҳаларининг ўн учтаси бевосита вазирлик иштирокида тайёрланди.

Тадбирда сўнгги йилларда юртимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини таъминлаш бўйича қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқиши жараёнига ҳам ўтхатб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).



Фаол ҳаётий позиция ва интилувчанлик — ёшларимизга хос фазилатлардир

Республикамизда кенг қўламли ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнларда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларда юксак даражадаги фидокорлик, ватанпарварлик, миллий ғурурга ҳурмат руҳини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаёпти.

ИЖТИМОЙ ФИКР

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган, ўз фикри қарашларига эга бўлган навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустақкам ўрин олмақда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида халқ қилувчи кучга айланимоқда.

Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига муво-

фиқ, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ташкил этилган ижтимоий сўров натижалари ҳам юқоридаги фикрларни яна бир бор тасдиқлади. Унда республикамиз ҳудудлари — шаҳару қишлоқларида таҳсил олаётган ва ишлаётган ёшлар қатнашди. Маълум бўлдики, таълим-тарбия ўзбекистонлик навқирон авлоднинг ҳаётий тамойиллари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Улар ҳамиша ўзларининг интеллектуал салоҳиятини ошириб боришга интилаётгани бунга бир мисолдир. Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг мутлақ катта қисми айнан

шундай фикрни билдирган. Респондентларнинг ҳар иккинчиси олий, ўрта ва ўрта махсус маълумотли, ҳар иккинчиси олий ўқув юрти талабасидир.

Сўров давомида ёшлар ўртасида таълим, айниқса, олий таълим олишга қизиқиш, унинг ижтимоий аҳамияти ўсиб бораётгани намоён бўлди. Масалан, 2006 ва 2011 йилги сўровларда иштирок этганларнинг учдан бир қисми ана шундай қарашга эга эканлигини айтган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич эллиқ фоизга, 2014 йилда эса 81,6 фоизга етгани диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).



ИННОВАЦИЯ

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиалида виртуал таълим тизими жорий этилди.


Виртуал таълим тизими жорий этилди

Айни чоғда талабалар дастурлаш билан боғлиқ бўлган фанларни мустақил ўрганишлари учун интернетда реал вақт режимида ишлайдиган сайт ишга туширилди. Ўзгича таътил бўлишига қарамай, бу ерда 993 нафар талаба виртуал, яъни масофадан туриб таълим бериш амалиётидан унумли фойдаланмоқда.

— Виртуал таълим тизимида талабалар фанларга аъзо бўладилар. Кейин шу фанларга оид маърузалар билан танишишди, тест топшириқларини ишлаб, билимларини синовдан ўтказди, — дейди филиал қафедраси мудири Ирода Ҳажиева. — Ушбу таълим тизимида чат ва форумлар мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида талабалар мавзу бўйича саволларни фан ўқитувчисидан сўраши мумкин. Бундан кенг фойдаланиш учун талабалар ва профессор-ўқитувчилар етарли даражада компьютер жамланмалари билан таъминланган. Мазкур тизим “Moodle web” дастури асосида яратилган бўлиб, у ҳозир жаҳондаги 293 та нуфузли университетда йўлга қўйилган.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТИМИЗ



ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Бундан саккиз йил аввал Андижон туманида ташкил этилган “And-SanoatPlast” МЧЖ 4 нафар ишчи билан фаолият бошлаган эди.

Маҳсулот тури кўпаймоқда

Ўтган йиллар корхонанинг барқарор ривожланиш даври бўлди. Айни пайтда 60 кишилик бу жамоа томонидан асакалик автомобилсозлар учун бампер ва бошқа зарур эҳтиёт қисмлар етказиб берилмоқда. Яқинда бу ерда бўёқлаш цехи ҳам ишга туширилди. Пировардида меҳнат унумдорлиги ортиб, ишлаб чиқариш ҳажми ойига 50 минг донага етказилди.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, “And-SanoatPlast” халқаро сифат сертификатига эга. Бу эса мазкур жамиятда жаҳон андозаларига мос маҳсулот тайёрланаётганидан дарак беради.

Сайдахмат ШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги иш ўринлари яратилди

Наманган шаҳридаги “Axsikent tekstil” масъулияти чекланган жамиятида яқин вақтгача ётоқхона жиҳозлари ва тиббиёт халатлари тайёрланарди.

Корхонада амалга оширилган технологик янгиланишлар маҳсулотлар турини 20 тага етказиш имконини берди. Натижада бу ерда буюртмачилар талабига биноан ишчи кийимлари ҳамда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бунга жамиятга 14 та замонавий дастгоҳ ўрнатилиши ҳисобига эришилди. Ўз навбатида, лойиҳа рўёби туфайли 10 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Қудратилла НАҲМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таннархи арзонлашди

Узун туманидаги “Узун Аҳрор сервис” хусусий корхонаси томонидан Оби-заранг ва Қорасув дарёларининг Тўполангга қўйилиш жойида тош саралайдиган линия ишга туширилди.

Ушбу лойиҳа банкнинг 250 миллион сўмлик имтиёзли кредити ҳисобидан амалга оширилди. Илғор дастгоҳлар билан жиҳозланган технологик линия ёрдамида ювилиб, сараланаётган тош ва кум сифатлилиги билан буюртмачиларга маъқул бўлмоқда.

— Корхонамиз учун тошлоқ ҳудуд танлангани яхши самара бераёпти, яъни қурилиш материаллари таннархи арзонлашаёпти, — дейди корхона раҳбари С. Сайдалиев. — Ишлаб чиқарилаётган хом ашёни ташиб келтиришдан тежалган маблағ ҳисобидан тош майдалагич ускуналарини янгилашга ҳаракат қиляёпти.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



«Юрт келажаги — 2014»

Иқтидорли ёшларнинг изланиш ва интилишини қўллаб-қувватлаш келажақ пойдеворини мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу сай-ҳаракатлар сирасидандир. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган “Юрт келажаги” республика кўрик-танлови ҳам навқирон йигит-қизларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида мазкур танловнинг ҳудудий босқичлари ташкил этилаёпти. Куни кеча ана шундай тадбир Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтди. Беллашувнинг дастлабки босқичларида уч минг нафардан зиёд қорақалпоғистон-

лик ёшлар қатнашди. Эътиборлиси, жорий йилда кўрик иштирокчиларига қулайлик яратиш ва синов жараёнлари янада адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида танловнинг саралаш босқичлари таълим муассасаларининг ўзида ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).



«Халқ сўзи»
газетаси сайтида ўқинг

Инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш йўлида

Пойтахтимизда “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш — жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг устувор йўналиши” мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Олий Суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази, Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия вазирликлари билан ҳамкорликда ҳамда қатор халқаро ташкилотлар кўмагида ташкил этилди.

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, ўрта тиббиёт ходимлари учун узлуксиз малака ошириш тизими яратилганлиги уларнинг соҳадаги амалий ва технологик янгиланишларни мукаммал ўзлаштириб олишлари ҳамда касбий маҳоратларини юксалтиришларида муҳим омил бўлмоқда.

Билим, тажриба, эзгулик

тиббиёт муассасалари ҳамшираларининг фаолият мезонидир

— Айни чоғда ҳамшираларни оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш лойиҳаси бўйича малака ошириш ўқувлари ташкил этилганлиги эса ёш авлодди баркамол қилиб тарбиялашда ҳамшираларнинг алоҳида ўрни борлигидан далолатдир, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси Рихси Солихўжаева. — Ҳозирги кунда уч мингга яқин олий маълумотли бакалавр ҳамда магистр даражасига эга бўлган 70 дан зиёд ҳамширалар тиббиёт муассасаларида намунали фаолият юритаётгани барчамизни қувонтиради.

Мана, бир неча йилдирки, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган ёш ҳамшираларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва маҳоратини янада оширишга кўмаклашиш учун шароит яратиш мақсадида “Хамшира” кўрик-танлови ўтказиб келинаётир. Ўз навбатида, мазкур танлов уларнинг маънавий жиҳатдан камол топиши, халқимизга сидқидилдан хизмат қилиши, тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини янада юксал-

тириши ҳамда ҳамширалик ишининг замон талаблари даражасига кўтарилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кеча Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий “Хамшира — 2014” республика кўрик-танловида ҳам ўрта тиббиёт ходимларининг ана шундай шарафли меҳнатлари юксак баҳоланди. Унда танловнинг

ни синовдан ўтказдилар. “Хамшира — 2014” танловининг Соғлом бола йиллига бағишланган назарий қисмида ҳамширалар ўзлари яшаб ва ишлаб турган худуд ҳамда муассасани акс эттирувчи кўргазмалар, адабий-муסיқий композициялар воситасида таништирув, тиббиёт, ижтимоий-сиёсий мавзуларга оид

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 14 нафар ҳамшира қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўзбек ҳамшира қизларининг маданияти, беморларга муносабати, ўз соҳасини чуқур ўрганаётгани, хорижий тажрибалар ва тилларни пухта эгаллаётгани ҳақида сўз юритдилар. Бу борада, айниқса, қишлоқ жойларида меҳнат қилаётган ҳамшираларнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш, уларнинг хонадонларга кириб тиббий маданиятни ошириш борасидаги тарғибот ишларини олиб боришларида нималарга эътибор қаратиши, замонавий руҳда ишлаши борасида тўхтадилар.

Танлов шартларига кўра, иштирокчилар қабул бўлишга олиб келинган беморга биринчи малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, унинг аҳолини таҳлил қилиб бориш, муолажа вақтида дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналарни қўллаш, шунингдек, муомала ва касб маданияти бўйича билим ҳамда малакалари-

савол-жавоблар каби шартлар бўйича ўзаро беллашдилар.

Яқуний натижаларга кўра, Сирдарё вилояти тери-таносил касалликлари шифохонаси ҳамшираси Соҳиба Раимжонова биринчи, Наманган вилоятининг Ўйчи тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Умида Обидова иккинчи, Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 27-оилавий поликлиника ҳамшираси Нилуфар Нуриддинова учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

— Ушбу танлов касбимга бўлган меҳримни янада оширди, — дейди танлов ғолиби Соҳиба Раимжонова. — Албатта, бу юксак эътирофга Ватанимизда биз, ёшларга яратилган қулай имкониятлар, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор туфайли эришдим. Келгусида олий маълумотли мутахассис бўлиб, янада масъулият билан халқимизга хизмат қилишни ният қилганман.

Яқунда танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■	Кредит ўзини оқлади
ИЗЛАНИШ	<i>Челак шаҳарчасида яшовчи Б. Тоштемиров “Микрокредитбанк”дан олган 35 минг АҚШ доллари миқдоридagi кредитга лойиҳа қиймати 45 минг АҚШ долларилик пайпоқ ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширди.</i>

— Бу ерга келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида табиий пахта толасидан бежирим ва харидордир, арзон пайпоқлар ишлаб чиқараялмиз, — дейди корхона раҳбари Б. Тоштемиров. — Йилга 172 минг 800 дона махсулот тайёрлаш имкониятига эгамиз. Хом ашёни ўзимиздан — вилоятдаги ҳамкорлардан оламиз.

Корхона махсулотлари ҳозирча ички бозорда сотилмоқда. Тез орада эса уни хорижга чиқариш чораларини ҳам кўраялмиз.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наркотик моддалар ноқонуний айланishiнинг олдини олиш — долзарб вазифа

Бугунги кунга келиб гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши, наркобизнес дунё тараққиёти ва барқарорлигига тушар етказувчи жиддий муаммага айланди. Боз устига, “оқ ажал”нинг тарқалишидан келиб тушаётган фойда терроризм, одам савдоси каби ўта оғир жиноят турларини қўллаб-қувватлаш йўлида сарфланаяпти. Мазкур офатнинг ҳалокатли оқибатларини сергаклик билан баҳолаш, унинг илдизига болта уриш эса жамиятда тинчлик, ҳавфсизлик, фаровонлик, соғлом турмуш, юксак маънавиятни чуқур қарор топтириш ва юксалтиришнинг муҳим шартидир. Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимизда бу борада улкан сазй-ҳаракатлар қилиниб, салмоқли қадамлар қўйилмоқда.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссияси ташкил топганининг йигирма йиллигига бағишланган тадбирда шулар алоҳида таъкидланди. Унда тегишли вазирлик, идора, дипломатик корпус ва мамлакатимизда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Айтиб ўтилганидек, юртимизда наркотик моддаларни ноқонуний савдосига қарши курашга оид мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, уларнинг ижроси доимий эътиборда бўлиб келаётир. Хусусан, Ўзбекистон БМТнинг наркотик моддаларни назоратига оид конвенцияларига қўшилди. Ўз навбатида, мамлакатда нарковазиятга қараб комплекс чоралар кўриш ва наркотаҳдидни йўқ қилиш мақсадида 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссияси тузилди. Шундан буён мазкур ташкилот наркотикларни назорат қилиш жабҳасида давлат сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга масъул идоралараро орган сифатида самарали фаолият юритиб келмоқда.

— Давлат комиссиясининг ижрочи органи сифатида 1996 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ташкил этилди, — деди ушбу марказ бўлим бошлиғи Ш. Ғуломов. — Жойларда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш- ларни мувофиқлаштириш вазифалари эса минтақавий комиссияларга юклатилди.

Айни чоғда барча ҳуқуқ-тартибот идоралари таркибида наркотик моддаларга қарши кураш бўйича махсус бўлимлар очилиб, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар таъминоти мустаҳкамланди. Чунончи, Наркотик моддаларни ноқонуний айланишига қарши кураш махсус бўлимлари ходимларини ўқитиш учун Ички ишлар вазирлиги Академияси ва Олий ҳарбий божхона институтиди гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши ҳамда контрабандига қарши кураш йўналишида махсус кафедралар фаолият юри- таяпти. Давлат божхона кўмитаси таркибида эса барча талабларга жавоб берувчи Миллий кинология маркази йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузу-

рида Наркотик моддаларни назорат қилиш кўмитаси, Адлия вазирлиги ҳузурида эса Суд-криминалистика лабораторияси ишлаб келмоқда.

1999 йилда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши, унинг доирасида соҳага доир ҳуқуқий базанинг деярли тулик янгиланиши бу борадаги сазй-ҳаракатларни сифат ҳамда мантиқ жиҳатдан навбатдаги босқичга олиб чиқди. Шуларга уй-ғун тарзда Давлат комиссияси қарорига мувофиқ, наркотик моддалар суиистеъмоли ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашга қаратилган узоқ муддатли комплекс чора-тадбирлар дастури- ларни тасдиқланди. Уларнинг амалиётга жорий этилиши натижа-сида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар салоҳияти янада оширилди. Наркология хизмати тизими ривожлантирилиб, модернизация қилинди. “Аср вабоси”га қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик янада фаоллаштирилиб, аниқ мақсадли профилактик ишлар бажариб келинмоқда.

Ҳозирги кунда 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган Дастур рўёбга чиқарилаётгани бунга бир мисолдир. Бинобарин, республикамизда наркология ва реоби-

Келағимиз эгаларида иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ, педагогика ва тиббиёт йўналишларини эгаллашга бўлган истак кучайиб бораётир. Ўз навбатида, муҳандислик-техник мутахассисликлари, ҳарбий иш ва ахборот технологиялари соҳасига интилиш кучайган.

Ёш фуқароларнинг катта қисми хориж тиллари, хусусан, инглиз тилини ўрганишга катта эътибор қаратмоқда. Сўровга кўра, улар мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар, жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида илғор ўқитиш услублари татбиқ этилаётганини катта фахр ва қувонч билан қутиб олишган.

Мустақиллик йилларида навқирон авлоднинг ўзлигини англаш даражаси юқорилиги уларнинг дунёқарашида яққол ўз ифодаси-

«Юрт келажаги — 2014»

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унда ижодий ишлар, илмий лойиҳа ва техник ишланмалар тажрибали ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра баҳолалиб, уч юзга яқин йигит-қиз танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Иштирокчилар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар, техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт ҳамда публицистика номинациялари бўйича ўзаро беллашдилар.

Танлов якунида 40 нафар ёшнинг энг сара лойиҳа, тақлиф ва ижодий ишлари муносиб рағбатлантирилиб, мамлакат босқичига йўланма берилди. Ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

“Юрт келажаги — 2014” кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичида 300 нафарга яқин ёшлар бешта номинация бўйича маҳоратларини намойиш қилди.

— Беллашувда иштирок этиш- тағидидаги ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгаши раиси Мансур Машарипов. — Кўрикнинг шаҳар, туман ҳамда вилоят босқичларида қатнашган

Фаол ҳаётий позиция ва интилувчанлик — ёшларимизга хос фазилатлардир

ни топяпти. Яъни ватанпарварлик туйғусининг юқорилиги Ўзбекистон ёшларига хос хислатдир. Бу уларнинг Ватан тарихи, аждодлар меросига бўлган ҳурмати, қизиқишида ўз ифодасини топган. Шу асосда ўғил-қизларимизда мамлакат келажагига бўлган масъулият ҳисси шаклланиб бораётир. Булар сўровда яна бир бор ўз аксини топди.

Тадқиқот ёш авлодда миллий ўзлиқни англаш халқимизнинг маънавий хусусиятлари, урф-одат ва анъаналари, мустақиллик, бой тарихимиз, буюк аждодларимиз мероси, она тилимиз ва маданиятимиз билан уйғун маъно касб этаётганини намоён этди. Улар Президентимизнинг Самарқандда бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзудидаги халқаро конференциядаги нутқини катта гурур ҳамда қизиқиш билан қутиб олганликларини билдирдилар. Зеро, давлатимиз раҳбари нутқида буюк аждодларимизнинг маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш зарурлиги, чунки

халқимизнинг қадимий анъаналари ва маънавий қадриятлари ўсиб келаётган ёш авлодда миллий ўзлиқни англаш туйғусини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Сўров натижалари Ўзбекистон ёшлари ҳозирги кунда дунёда янада долзарблашиб бораётган диний экстремизм ҳодисасига қатъий салбий муносабатда эканлигини кўрсатди.

Тадқиқот асосида истиқлол йилларида ёшлар онги, ҳулқ-атворида боқимандалик кайфияти буткул йўқолиб, унинг ўрнини ижтимоий

Кўп йиллардан бери ўтказиб келинаётган бундай сўровлар динамикасида қуйидаги жиҳатлар яққол кўзга ташланаяпти. Чунончи, Ўзбекистон ёшлари қалбу шуурида қадриятлар, қизиқиш ва ижтимоий нормалар тизимида фаол ҳаётий позиция, мустақиллик, интилувчанлик, ижтимоий сафарбарлик каби янги устувор йўналишлар қарор топаётир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларга оид сиёсатнинг ёрқин самаралари сифатида ўғил-қизларимизнинг миллий ўзлигини англаши ва барқарор ижтимоий кайфиятида жиоланмоқда.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонун нормаларини тўлиқ амалга ошириш мақсадида вазирлик томонидан бошқа вазирлик ва идораларни жалб қилган ҳолда, барча рухсат бериш тартиб-таомилларини тизимлаштириш бўйича салмоқли ишлар бажарилди, — дейди Адлия вазирлиги иқтисодий қонунчилик бошқармаси бўлим бошлиғи Алишер Бекчанов. — Амалга оширилган ишлар натижасида 2013 йил 15 августдаги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг тасдиқланиши ислохотлар жараёнида

Қонун ижодкорлиги ва амалиёт

катта қадам бўлди. Қолаверса, Президентимизнинг жорий йилнинг апрель ойида қабул қилинган тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган Фармон ва қарори мамлакатда инвестициявий иқлим ва ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда муҳим омил бўлди. Ҳозирги кунда мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларини ушбу ҳужжатларига мувофиқлаштиришга қаратилган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Шу ўринда фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларига барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш имконини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси яратилгани ва интернет тармоғи орқали фаолият кўрсатяётганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда 30000 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз ичига олган мазкур база очик ва беғул бўлиб, доимий равишда янгиланб бормоқда.

Анжуманда “Соғлом бола йили” Давлат дастурида назарда тутилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, вазирлик ва идораларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мукамаллаштиришга қаратилган фаолият ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Хусусан, ҳамкор идоралар билан биргаликда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилаётганига алоҳида урғу берилди.

Зиёда АШУРОВА.



Сурат АСЎНОВ (ўса) олган сурат.

“Юрт келажаги — 2014” кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичида эса 460 нафар истеъдодли ёшнинг архитектура ва дизайн, либослар дизайни, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни такомиллаштириш, ахборот технологиялари ва рационализаторлик, техник лойиҳа ва ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва журналистика йўналишларидаги ишлари кўриб чиқилди.

ёшларнинг ижодий ишлари орасида қизиқарли лойиҳалар кўплаб топилади. Энг муҳими, ёшларнинг бу интилиши қатъий тартиб-интизом асосида ҳолис баҳоланди.

“Юрт келажаги — 2014” кўрик-

танловининг вилоят босқичи ғолиблари энди пойтахтимизда бўлиб ўтадиган қизғин беллашувларга тайёргарлик кўрадилар.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

йили” Давлат дастурида назарда тутилган устувор йўналишларга уйғундир.

Анжуманда жабҳада чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ҳақида тўхталиб ўтилди. Хусусан, ҳозиргача имзоланган 30 дан ортиқ икки томонлама ва кўп томонлама меморандум ҳамда келишувлар асосида муайян ишлар олиб боришмоқда. Шулар қаторида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Марказий Осиё Минтақавий ахборот ва мувофиқлаштириш маркази (МОМАНМ) билан кўп томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилди. Халқаро лойиҳа-дорисада республикамизда ва хорижда ташкил этилган ўқув-тренинг курсларида ҳуқуқ-тартибот идоралари, мутасадди вазирлик ҳамда ташкилотларнинг уч мингдан ортиқ ходимлари иштирок этди.

Буларнинг барчаси ижобий натижаларнинг қўлга киритишда салмоқли роль ўйнаяпти. Мисол учун, мамлакатда гиёҳвандлик моддаларини етиштириш бўйича хом ашё базаси тўғилишига йўқ қилинди.

Умуман, олиб борилаётган кенг қўламли ишлар сабабли психо-актив моддаларни нотийбий мақсада истеъмол қиладиган, диспансер ва профилактика ҳисобига турадиган шахслар сони сезиларли даражада камайди.

Тадбир доирасида ушбу эзгу ишларда фидойилик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ соҳа вакиллари рағбатлантирилди. Хулоса ўрнида айтганда, Давлат комиссияси келгусида ҳам гиёҳвандликка қарши кураш соҳасида белгиланган стратегияни янада самарали амалга ошириш, жиноятчилик ўламини камайтириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга йўналтирилган ислохотларга ўз хиссасини қўлишда давом этади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов иштирок этди.

Санджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН
24 СОАТ ИЧИДА

Германиянинг спорт кийимлари ва инвентарлари ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур “Adidas” компаниясининг жорий йилдаги савдо айланмаси бутун фаолияти давомида илк бор 2 миллиард евродан ошади.

Даромад бўйича пешқадам

Бу ҳақда компания маълумотларига таяниб, “Евро-ньюс” телеканали хабар тарқатди. “Adidas”нинг иқтисодий кўрсаткичлари яхшилинишида шу кунларда Бразилияда футбол бўйича бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионатининг таъсири низоҳатда қатта. Чунки у мундай хомийси ҳисобланади. Гарчи мусобақада қатнашаётган аксарият терма жамоалар АҚШнинг “Nike” компанияси билан шартнома тузишган бўлса-да, немис ишлаб чиқарувчилари бундан хавотирга тушмаганликларини билдиришди. Сабаби, “Adidas” томонидан чемпионат учун тайёрланган расмий тўп — “Brazuca”, шунингдек, турли футболка ва кроссовкалар мўмай даромад келтирмоқда.

Муқобил энергия манбалари учун маблаг ажратилди

Буюк Британияда шамол энергиясини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларни ҳаёта татиқ этиш мақсадида маҳаллий “Green Investment Bank”и томонидан 1 миллиард фунт стерлинг миқдорда маблаг ажратилди.

Манбада қайд этилишича, сўнгги бир неча ой ичида мамлакатда ушбу йўналишдаги ишлар бир оз беқарорлашган. Масалан, март ойида “SSE” компанияси харажатларни камайтириш мақсадида икита шамол паркини қуришдан воз кечди. Лекин ҳукумат муқобил энергия манбаларининг атраф-муҳит мусоафалигини сақлашдаги аҳамиятини инобатга олиб, бу борадаги



ишларни жадаллаштириш пайидан бўлмоқда. Хусусан, ўтган молиявий йилда “Green Investment Bank”и “яшил” энергетикани ривожлантиришга қаратилган 18 та лойиҳага маблаг йўналтирди.

Ойга саёҳат

2017 йилда “Space Adventures” (АҚШ) хусусий космик компанияси Ойга дастлабки туристик парвозни амалга оширади.

Ушбу саёҳатнинг нархи бир киши учун 150 миллион АҚШ долларини қилиб белгиланган бўлиб, компания раҳбари Том Шеллинг айтишича, ҳозирнинг ўзида икки нафар одам шунча миқдордаги маблагни тўлашга тайёрлигини билдирган. Парвознинг умумий вақти 24 соатни ташкил этади.



Фойда солиғини пасайтирмоқчи

Япония фойда солиғи ставкаси юқорилиги бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради.

Жумладан, бу борада мамлакатда жорий этилган тўлов миқдори қарийб 35 фоизга тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич, ҳатто, кескин солиқ сиёсати юритиладиган Франциядаги ставкадан 2 фоиз кўп. Япония ҳукумати мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш мақсадида 2012 йилдан буён босқичма-босқич турли ислохотларни амалга



ошириб келаяпти. Ана шундай чора-тадбирлар доирасида энди фойда солиғини 30 фоизга тушириш кўзда тутилмоқда.

Энг иссиқ йил бўлиши кутилмоқда

Жорий йилнинг май ойи метеокузатувлар бошлангандан буён энг иссиғи бўлди, дейишмоқда АҚШлик бир гуруҳ олимлар.

Улар тақдим этган маълумотларга кўра, одатда, ушбу ойда қуруқлик ва океанлар юзасида ўртача ҳарорат Цельсий шкаласи бўйича 14,8 даража иликни ташкил этади. Лекин бу гал ҳарорат доимий меъёрдан 0,74 даража юқори бўлди. Агар мазкур тенденция сақланиб турса, унда 2014 йил энг иссиқ келган йил сифатида тарихга кириши мумкин.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

